БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 13 февраль Сешанба
№ 30 (13.466).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

«Союз ТМ–9» учирилди


ТАСС ахбороти

Космик фазони тадқиқ этиш программасига мувофиқ 1990 йил 11 февраль куни Москва вақти билан соат 9 дан 16 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Союз ТМ-9» космик кемаси учирилди, уни командири — Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Анатолий Яковлевич Соловьев билан бортинженер — Александр Николаевич Баландиндан иборат экипаж бошқармоқда.

Парвоз программасида «Союз ТМ-9» кемасини учувчи бошқарадиган «Мир» комплексига туташтириш кўзда тутилган. Биргаликдаги парвоз давомида илмий-тадқиқот комплекси бешинчи асосий экспедициясининг экипажи — ер атрофидаги орбитада узоқ вақтдан буён ишлаётган космонавтлар Александр Викторенко билан Александр Серебров алмаштирилади.

«Союз ТМ-9» кемаси ичидаги системалар нормал ишламоқда. Космонавтлар Анатолий Соловьев билан Александр Баландин ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

Учувчи бошқарадиган кемани орбитадаги комплекс билан 13 февралда туташтириш белгиланган.



Анатолий Яковлевич СОЛОВЬЕВ

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Анатолий Яковлевич Соловьев 1948 йил 16 январда Ригада туғилган.

Меҳнат фаолиятини 16 ёшда Рига корхоналаридан бирида слесарликдан бошлади, айни вақтда ишчи-ёшлар мактабида ўқиди.

1968 йилда у Ленин комсомоли номли Чернигов учувчилар олий ҳарбий авиация билим юртига ўқишга кирди. Билим юртини тугаллаганидан сўнг ҳарбий-ҳаво кучларида хизмат қилди. Ана шу хизмат даврида самолётларнинг ўндан ортиқ турини ўзлаштирди.

А. Я. Соловьев 1971 йилдан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзосидир.

Космонавтлар отрядига у 1976 йилда киритилган эди.

1977 йилда синовчи-учувчилар мактабини битирди. Анатолий Яковлевич «1-класс ҳарбий учувчи» ва «2-класс синовчи-учувчи» малакасига эга.

А. Я. Соловьев биринчи бор космосга 1988 йил июнида «Мир» орбитал комплексида тадқиқотлар ва тажрибалар ўтказган Совет — Болгария экипажининг командири сифатида парвоз қилган. Унга «3-класс космонавт» малакаси берилган.

Александр Николаевич БАЛАНДИН

Александр Николаевич Баландин 1953 йил 30 июлда Москва областидаги Фрязино шаҳрида туғилган.

1976 йилда Москвадаги Н. Э. Бауман номли олий техника билим юртини битиргандан кейин «Энергия» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида ишламоқда. Бу ерда мураккаб инженерлик вазифаларини ҳал этишга қодир бўлган малакали мутахассис эканлигини кўрсатди. Истиқболли космик техникани яратишда иштирок этди.

А. Н. Баландин 1981 йилдан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзосидир.

Александр Николаевич космонавтлар отрядига 1978 йилда киритилган эди: «Союз ТМ» кемасида ва «Мир» орбитал комплексида учишга тайёргарликнинг тўла курсини ўтди. Кўп марта фойдаланиладиган орбитал кема экипажи таркибида бортинженери сифатида учишга ҳам тайёргарлик кўрмоқда.

ВЛКСМ XXI съезди делегатлари



Ташвишлар ўткинчи эмас

Оқарсув — ҳаёт манбаи. Буни изоҳлаб ва исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Мабодо у кўлмакка айланса, қандай ўзгариш содир бўлади! Ўзидаги ҳаётбахшлик, жўшқинлик барҳам топади, албатта.

ВЛКСМнинг ҳозирги ҳолати кўп жиҳатдан, агар жоиз бўлса, мисоли шу кўлмакка ўхшаб кетади. Чунки у ўзининг ташкил топган дастлабки даврида, Ватанимизни душманлардан ҳимоя қилишдаги фидокорлиги ва тикланиш йилларидаги бунёдкорлиги, ташаббускорлиги ва фаоллиги билан йигит-қизларга ибрат, камолот мактаби бўлиш хусусиятларини қўлдан бой бериб қўйди. Бунинг сабаблари кўп. Жумладан, комсомол етакчилари аппаратчиликка, ёшлардан ажраб қолишга, қоғозбозликка, юқорининг кўрсатмаларини кўр-кўрона ижрочисига, таркибнинг сифати эмас, балки миқдори кетидан қувишга одатланиб қолдилар. Натижада комсомол аъзоларидан бадаллар тўпланиб, уларнинг талаб-эҳтиёжлари унутилиб кўйилди. Пировардида инқирозга юз тутди.

* * *

Фабрика техника назорати бўлими ходимаси Маъмура Анорова зийрак, ўз ишига моҳир қиз. Шундай бўлса ҳам Насиба билан маслаҳатлашишни, унинг фикрини ҳам билишни афзал билади. Сиз суратда фабрика комсомол ташкилоти котиби Насиба Пирмуҳлова билан чевар Муяссар Мелибоеванинг тикган кийимларини кўздан кечириш пайтини кўриб турибсиз.

(Давоми 2-бетда).

ҚАЙТА ҚУРИШ ЧУҚУРЛАШТИРИЛСИН, ОДАМЛАРНИНГ ТУРМУШИ ЯХШИЛАНСИН

КПСС Марказий Комитети февраль пленумининг материаллари одамларнинг онгига ва қалбига етиб борди. Пленум минбаридан айтилган фикрларнинг хилма-хиллиги, баъзан уларнинг бир-бирига қарама-қаршилиги «Нима қилиш керак, бундан буён қайси йўлдан ва қандай бориш керак?» деган ҳаяжонли саволларни келтириб чиқармаслиги мумкин эмас. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат дастури лойиҳаси ана шу қийин ва айни пайтда одамлар тақдири билан боғлиқ масалаларга жавоб бериши керак, бу дастурни пленум маъқуллади ва у матбуотда эълон қилинади.

Бироқ пленумда бўлиб ўтган ўткир баҳсларни, фикрларнинг хилма-хиллигини, баъзан эса қарама-қаршилигини ҳисобга олганда ана шу муҳим ҳужжатда бундан буён қандай яшашимизни белгилаб берган тайёр ва шубҳасиз йўл-йўриқларни кутиш соддалик бўлур эди. Ижтимоий тузумимизнинг барча соҳаларида чуқур революцион ўзгариш жараёнлари бормоқда, Ленин ибораси билан айтганда социализмга қарашларимиз қайта кўриб чиқилмоқда, бинобарин ҳозир социализмнинг қотиб қолган схемалари мақбул келмайди. Социализм омманинг жонли ижоди сифатида революцион ўзгаришлар жараёнининг ўзида янги қиёфага кириб бормоқда.

Октябрь ишининг, бутун мураккаб, қийин, кўпинча фожиали тарихимизнинг меросхўри ва давомчиси бўлган партия, қайта қуриш ташаббускори бўлган ва унинг тақдири учун масъул бўлган партия бундан буёнги тараққиётимизнинг энг муҳим муаммолари юзасидан аниқ мавқеда турмаслиги мумкин эмас, албатта. Бу ҳам ҳаракат дастури лойиҳасида ўз ифодасини топади. Шуниси ҳам шубҳасизки, унда қайта қуришни янада чуқурлаштириш, жамиятнинг бутун сиёсий ва иқтисодий системасини инсонга, демократияни, ошкораликни янада ривожлантиришга, федерацияни ва партиянинг ўзини янгилашга қаратиш йўли эълон қилинади. Орқага қайтиш, унитар, маъмурий-буйруқбозлик системасига қайтиш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас.

Шугина эмас, пленумда айтилган ва эҳтимол ҳаракат дастурида ўз ифодаси топган фикрлар хилма-хиллиги тараққиётимиз масалаларининг кенг умумпартия, умумхалқ, чинакам демократик муҳокамаси учун янги имкониятлар очиб беради. Эҳтимол пленумнинг бош якуни шундан иборатки, у жамиятни ҳаяжонга солиб турган муаммолар ва фикрларнинг хилма-хиллигини акс эттириб, ҳаракат дастури лойиҳасини қабул қилиб, ана шу муаммоларни муҳокама қилишда иштирок этишга ва шу йўл билан партия XXVIII съездига тайёргарлик кўришга барча коммунистларни, барча меҳнаткашларни, бутун жамоат ҳаракатларини таклиф қилди ва бунинг учун амалий имконият яратиб берди. Бинобарин, партия жамиятнинг ғоят кенг табақалари манфаатларини, орзу-умидлари ва муддаоларини ўзида мужассамлаштиришни, амалда халқ иродасини ифодалашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Бу сиёсий пароқандаликни билдирмайди. Пленумда аниқ-равшан баён этилганидек КПСС жамиятга қарши, экстремист, шовинист ва миллатчи кучларнинг ҳозирги вазиятнинг мураккаблигидан ўзларининг тор доирадаги худбинлик, амалпарастлик мақсадлари йўлида фойдаланишга уринишларини, ижтимоий-иқтисодий ва миллатлараро кескинликни авж олдириб, ҳокимият тепасига чиқишга уринишларини қатъий рад этади. Бундай кучларга қонунга мувофиқ қатъий зарба берилади. Жамият революцион қайта қуришни ва демократияни экстремистларнинг ҳар қандай хуружларидан ҳимоя қилиш учун куч топа олади.

Пленум партия ва халқ ҳаётида ғоят муҳим янги даврни, яъни КПСС XXVIII съездига бевосита тайёргарлик даврини бошлаб берди. У турмушимизнинг барча масалаларини позициялар ва фикрларни ҳеч қандай чекламаган ҳолда ҳар томонлама, очиқ муҳокама қилиш учун имконият туғдирди.

Ҳозирги даврнинг илгари мисли кўрилмаган жуда катта имкониятлари ва жиддий хавфи ҳам мана шундадир. Бу фикрларни ҳалол, тўғридан-тўғри, масъулиятни ҳис этган ҳолда билдириш, барча қарашларни ҳисобга олиш ва қиёслаш, ҳозирги даврга ва келгусига мўлжалланган амалий йўналишларни ишлаб чиқиш имкониятидир. Хавф эса сафсатабозлик, социализмга қарши жазаваларнинг, жамиятга қарши ҳаракатларнинг янги хуружидир.

Шунинг учун партия, совет, давлат идораларидан ва жамоат тузилмаларидан, оммавий ахборот воситаларидан алоҳида масъулият ва фаоллик талаб қилинади. Биринчидан, ўтмишимиз ва ҳозирги давримизнинг барча муаммоларини ҳеч нарсани яширмай, энг кескин, қийин даврлар ва масалаларни четлаб ўтмай ошкора муҳокама қилиш учун ҳамма шароитни яратиб бериш керак.

Шу билан бир вақтда ана шундай муҳокамалар шовқини ва шамолидан фойдаланиб социалистик ғоянинг ўзини илдизи билан суғуриб ташлашга, кўп миллатли давлатимизнинг яхлитлигини бузишга, партиянинг жамиятни жипслаштирувчи куч сифатидаги ташкилий ва ғоявий бирлигига путур етказишга йўл қўймаслик керак. Рўйростлик ва принципиаллик, сабр-бардошлик ва қатъият эътиборлилик ва мардлик ана шундай вазиятда бардош беришга ёрдам қилади.

Иккинчидан, ижтимоий ларзанинг, муҳокаманинг бундай ҳамма нарсани қамраб олувчи, жўшқин, лекин доимий қирраси негизида республиканинг миллий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиётининг барча асосий муаммолари юзасидан республиканинг ўзига хос хусусиятлари ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Компартиясининг позициясини ишлаб чиқиш керак. Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездига ўзбек халқининг, республикада яшовчи барча миллатлар ва элатларнинг иродасини ифодалайдиган равшан программа билан бориш, КПСС XXVIII съездида аниқ-равшан позицияларда туриш лозим.

Шу маънода Ўзбекистон Компартиясининг сайловолди ҳаракат дастури негиз бўлиши мумкин. Шу ҳаракат дастурида баён этилган республиканинг иқтисодий мустақиллигини, ўзини ўзи бошқаришини ва ўзини ўзи пул билан таъминлашини белгилашга, халқ хўжалигини структура жиҳатдан қайта қуриш, унинг хом ашёга йўналтирилганлигига барҳам бериш ва иқтисодиётни инсоннинг эҳтиёжлари ва талабларига қайта йўналтириш, меҳнатга лаёқатли барча аҳолини иш билан таъминлаш ва шу аҳолининг кам таъминланган табақаларига ёрдам беришга янгича ёндашувлар, одамларнинг сиҳат-саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза этиш тўғрисида, ёшларнинг ҳар томонлама жисмоний ва маънавий камол топиши, халқнинг жуда бой тарихий ва маданий анъаналарини асраб-авайлаш ва кўпайтириш ҳақида алоҳида ғамхўрлик, барча миллатларнинг яхши қўшничилиги ва ҳамкорлиги — шуларнинг ҳаммаси бўлажак мунозаралар, фикрларнинг жуда хилма-хиллиги учун амалий негиздир, албатта. Ўзбекистон Компартияси буларни ҳисобга олишга ва ниҳоятда диққат-эътибор билан муносабатда бўлишга тайёрдир. Бунинг устига, ҳар қандай таклифларни ўрганиш, пайдо бўлаётган саволларга жавоб бериш учун Ўзбекистон ахборот агентлиги (ЎзТАГ) ҳузурида республика махсус матбуот группаси тузилди, ушбу группага оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бир қаторда партия, совет, давлат ва хўжалик органларининг, жамоат ташкилотларининг обрўли ходимлари кирдилар.

Асосий муддао шуки, одамларни ҳаяжонга солиб турган барча масалалар юзасидан кенг кўламда мунозара олиб борар эканмиз, республика аҳолисининг барча қатламлари турмушини яхшилаш билан боғлиқ бўлган конкрет, амалий вазифаларни ҳал этиш учун барча кучларни сафарбар этиш юзасидан жонли ташкилотчилик иши ва сиёсий ишнинг бир лаҳза ҳам сусайтирилишига йўл қўймаслигимиз керак. Шу йўналишда республикадаги миллионлаб кишиларга дахлдор бўлган ҳамда меҳнаткашлар маъқуллаган ва қўллаб-қувватлаган жуда катта тадбирлар кўрилди. Пахтага қўшимча ҳақ тўланаётгани ва пахта ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид нархларини ошириш учун қатъият билан иш олиб борилаётганлиги шулар жумласидандир. Бу—шахсий ёрдамчи хўжаликни юритиш ва якка тартибда уй-жой қуриш учун қишлоқ меҳнаткашларининг томорқаси кенгайтирилаётганлигидир. Бу — кам таъминланган кўп болалик оилаларга, ногиронлар ва пенсионерларга ёрдамдир. Бу—бошланғич синф ўқувчиларига, бемор ҳомиладор аёлларга текин овқат берилаётганлигидир. Бу — ётоқхоналардаги ўринлар етишмаётганни учун хусусий хонадонларда яшашга мажбур бўлган студентларга ижара ҳақи ўрнини қоплаш учун берилаётган маблағдир. Бу шаҳарларни, жумладан Тошкентни ва қишлоқларни ижтимоий қайта қуриш тадбирларидир.

Ана шу мақсадлар учун ажратилган минглаб гектар унумдор суғориладиган ерлар ва неча юз миллион сўм бутун хўжалик ҳаётимизни қайта қуриш, одамлар турмушини яхшилаш йўлидаги жиддий, аммо биринчи қадамдир, холос. Меҳнаткашларга ёрдамчи хўжаликни юритишда, якка тартибда уй-жой қуриш учун қарз ва қурилиш материаллари олишда ёрдам бериш, ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган аёлларга ижтимоий кафолатларни кучайтириш эътибордан четда қолмаслиги керак.

Кенгроқ маънода оладиган бўлсак, мулк, пудрат ва ижара шаклларининг жуда хилма-хиллиги негизида халқ хўжалиги тармоқларида ишлаб чиқариш муносабатларини қайта қуриш юзасидан кундалик бунёдкорлик ишини олиб бориш зарур. Ижара бригадалари ва фермер хўжаликлари эришган дастлабки натижалар — бу мўлкўлчилик, ишлаб чиқариш самарадорлигига эришишнинг тўғри йўли эканлигидан далолат бериб турибди. Ижтимоий организмнинг барча бўғинларида, шу жумладан партияда демократияни кенгайтириш ва мустақилликни ошириш йўлларида сиёсий системани бундан буён ҳам такомиллаштириш керак, албатта. Жамоатчиликка қарши ҳар қандай хатти-ҳаракатни истисно этиш, чайқовчилик, порахўрлик, жиноятчиликка қарши курашни қатъият билан кучайтириш керак.

Ана шу жараёнлар партия органлари ва партия ташкилотларини амалда янги шароитларга қўймоқда. Қайта қуриш партия органлари ва ташкилотларини сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазият учун жавобгарликдан ҳоли қилмай, улардан эски маъмуриятчилик, буйруқбозлик усулларидан воз кечишни, янги, сиёсий усулларга амал қилишни талаб этмоқда. Бу осон кўчмаяпти, кўникма йўқ, ҳамма ҳам янгича сиёсий фикрлашни эгаллаб олишга тайёр эмас.

Ҳозир биз ҳаммамиз оғир имтиҳондан ўтмоқдамиз. Партия, совет, давлат, хўжалик ходимлари, жамоат арбоблари, олимлар, ижодкор зиёлилар вакиллари, коммунистлар ва партиясизлар ҳозирги авлодларидан ҳеч ким илгари сира сиёсий кураш бу қадар авж олган вазиятда яшамаган эди. Аммо ленинчи партияда шундай тажриба бор. Бу тажриба шундан далолат бериб турибдики, одамлар кўнглига йўл топган, меҳнат коллективлари билан ҳамиша маслаҳатлашиб турадиган, туҳмат ва бўҳтондан чўчимай, принципиал позицияларни ҳалол ва мардона ҳимоя қиладиган ва айни вақтда бошқаларнинг фикрини эшитиш ва ҳисобга олишга тайёр бўлган кишиларгина оғир синовлардан шараф билан чиқишга қодирдирлар. Ҳар қандай синовлар чоғида ҳам диёнатли, масъулиятли бўлган, одамларга яхшилик қиладиган ва уларга эътиборли бўлган кишилар бунга қодирдир.

Яна бир ҳафтадан кейин Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайлов ишонч тўғрисидаги саволга жавоб беради. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат дастури лойиҳаси юзасидан бўлажак мунозара кенг демократия шароитида биз масъулиятли жипслаштирувчилик ролимизни бажаришга нечоғлиқ қодир эканлигимизни кўрсатади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЖАМОАТ ТАРТИБИ ВА ГРАЖДАНЛАР ХАВФСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ҚАРАТИЛГАН ҲАРАКАТЛАР УЧУН МАСЪУЛИЯТНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш, аҳоли орасида саросима солувчи иғвогарлик овозаларига чек қўйиш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1989 йил 21 октябрдаги «Республикада ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

1. Белгилаб қўйилсинки, ур-йиқит қилишга ва гражданларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этувчи, шунингдек жамоат тартибига ёки одамларнинг хавфсизлигига таҳдид этувчи ёки аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган қўлёзма, босма, видеотовуш шаклидаги материалларни тайёрлаганлик ёки сақлаганлик, шунингдек уларни тарқатганлик, жумладан бундай уйдирмаларни оғзаки тарқатганлик учун икки юз сўмдан беш юз сўмгача жарима солиш ёки иш ҳақининг 20 фоизи давлат даромадига ушланиб, икки ой муддатга ахлоқ тузатиш ишларига, ёки материалларни тайёрлаш ва тарқатиш воситаларини мусодара қилиш билан ўн кунгача маъмурий қамоққа олиш билан жазоланади.

2. Шу мақсадларда мишмишларни ва сохта уйдирмаларни тарқатиш беш юз сўмгача миқдорда жарима солиш ёки иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан бир ой муддатгача ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилиш ёки ўн кунгача маъмурий қамоққа ҳукм қилиш билан жазоланади.

3. Ушбу фармоннинг 1 ва 2-моддаларида кўзда тутилган ҳаракатлар бир йил давомида такроран ёки шахслар группаси томонидан содир этилса, шунингдек бундай хатти-ҳаракатларга балоғатга етмаганлар жалб этилса, беш юз сўмдан бир минг сўмгача миқдорда жарима солиш ёки иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан икки ойгача ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилиш ёки материалларни тайёрлаш ва тарқатиш воситаларини мусодара қилиб, ўн беш кунгача маъмурий қамоққа ҳукм қилиш билан жазоланади.

4. Ушбу фармоннинг биринчи, иккинчи ва учинчи моддаларида кўрсатилган хатти-ҳаракатлар содир этилганда оғир оқибатлар келтирса, амалдаги қонунларда кўзда тутилган жиноий жавобгарлик қўлланилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари
Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 10 февраль.

Жумҳурият янгиликлари

БАҲОРГИ-ЁЗГИ мавсум арафасида Чирчиқ пойабзал бирлашмасида болалар учун янги маҳсулот ишлаб чиқарила бошланди. Бу ерда хром чармдан тикилиб, нодир синтетик материаллар билан безатилган маҳсулотлар тайёрланаяпти. Чет элдан келтирилган самарадор автоматларда тайёрлана бошлаган ўта мустаҳкам тагчарм сира едирилмайди. Бирлашма коллективи бу йил жами 620 минг сўмлик янги моделдаги болалар пойабзалини ишлаб чиқаради. Бошқа харидоргир моделларни ишлаб чиқариш ҳам давом эттираверилади.

ТОШКЕНТДАГИ 35- ва 29-болалар уйларининг тарбияланувчилари биринчи марта парвоз қилдилар. Сергели бирлашган авиаотряднинг учувчилари уларни булутлар орасида сайр қилдириб келдилар. Учувчилар болаларга яна телевизор, радиоприёмник, китоблар ва пластинкалар совға қилишди. Авиакорхона коллективи ёқилғи-мойлаш материалларини тежаганлиги учун олган бутун мукофотини оталиғидаги болаларга сарфлашга қарор қилди.

(ЎзТАГ)

Бизнинг номзодлар

Еш, истеъдодли журналист Карим БАҲРИЕВ Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди



Ишончга сазовор журналист

Биз журналистлар кўпинча дунёдан нолиб, жиғибийрон бўлиб юрамиз-да, сўнг: «Бизни ўзи ким ҳам тушунарди. Амалдорни инсофга чақирсанг, қулоқ солмаса, халқни уйғотмоқчи бўлсанг, уйғонмаса... Биров бизни билармиди», — деб қўл силтаб қўямиз. Йўқ, халқ билар экан. Яқинда ургутликлар 327-Қуйиқишлоқ сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига Карим Баҳриев номзодини кўрсатишди. Уни, айниқса, ёшлар қўллаб-қувватлашди. Чунки у ВЛКСМ аъзоси, жумҳурият Ёшлар ташкилотлари Қўмитаси аъзоси, бевосита ёшларнинг дилидагини билади.

Тақдир тақозоси билан мен Каримжон билан бир газетада ишлаганман. 1987 йил эди. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида шаҳрисабзлик ўн етти яшар бокира қизгинанинг номусига тожавуз қилган бир гала жиноятчилар ҳақида «Номус ўғрилари» номли суд очерки эълон қилганимда, аксарият ҳамюртларим мендан «Юзимизни ерга қаратдинг» деб нолишди. Ҳамкасбларим орасида эса биринчи бўлиб мени самимий қутлаган ва муваффақият тилаган Карим Баҳриев эди. Ўшанда у менга шундай деган эди: «Энг аввало ўз халқининг ютуғини ҳам, камчилигини ҳам (ҳеч ким фаришта эмас) ўша элнинг ўз вакили айтиши керак. Бунга унинг маънавий ҳаққи ҳам бор. Ўз туғилган ерингдаги ташвиш ва камчиликни кўра туриб, сукут сақлаш бу икки баробар катта жиноятдир. Шу маънода мен Сизнинг қашқадарёлик бўла туриб Қашқадарёдаги қонунсизликлар ва адолатсизликлар ҳақидаги мақолаларингизни қўллаб-қувватлайман».

1988 йил. Биз Карим Баҳриев билан бирга бир гуруҳ ёш ижодкорлар сафида Германия ва Польшага сафар қилдик. Сафардошларимизнинг аксарияти асосий вақтларини хориж магазинларида ўтказганларида ҳам мен Каримжонни ўз фотоаппарати билан Веймардаги Гёте уй-музейида, Врослав ибодатхоналарида ёлғиз хаёл суриб юрганини кўп бор кузатганман. Ўтган йили Шаҳрисабздаги Мироқи қишлоғида ўтказилган ёш ижодкорлар семинарига ҳам Каримжон билан бирга бордик. Бир куни мен уни Китобга — ота-онам уйига таклиф этдим. Ўшанда у менинг аксарият дўстларим ҳайиқиб, тортиниб турадиган — уруш сочларини жуда эрта оқартирган кекса отам билан тезда тил топишиб, то тонггача суҳбат қурганини эслаб ҳамон ҳайратланаман. Ундаги ўз ёшига нисбатан эрта уйғонган бу фазилат, бу фозиллик қаердан пайдо бўлган деб ўйлаб қоламан.

Кунларнинг бирида шунга ўхшаш фикрларимни адабиёт газетасида бизни кўпроқ «суяб» юрувчи Маҳмуд Саъдий билан Иброҳим Ғофуровларга айтганимда «У ҳам Москвада ўқиган» деб жавоб қилишган эди. Ахир Москвада мен ҳам ўқиганман. Мен ҳам ўзимни унчабунчадан кам ҳисобламаслигим мумкин. Лекин Каримжонни негадир барибир ўзимдан юқорироқ қўйгим келади. Унинг рус тилида ҳам хатосиз, эркин ёзишларини, оддий бир мақолани ҳам дилдан, самимий ва содда тилда ўқувчига етказа олишларини ўйлаб, уни ўзимдан устун қўйиб хато қилмаётганимга яна бир бор амин бўламан. Мен масалани бу тарзда таҳлил этаётганим баъзилар учун эриш туюлиши мумкин. Негаки Каримжон билан биз деярли тенгдошмиз. Икковимиз ҳам бирин-кетин Москва Давлат университетининг журналистика факультетини битирдик. Бирин-кетин адабиёт газетасига ишга келдик. Бирин-кетин ўттиз ёшлилар сафига бориб қўшилдик. Одатда ўттиз ёшли балоғат ва камолот пиллапоясидан туриб ўз тенгдошинг ижодини кузатсанг, кўпинча киши сезмаган ҳолда бировдан кўра ўзининг ютуқларини кўпроқ излаб қолади. Шунинг учун ҳам мен бугун шу пайтга қадар Карим Баҳриев ҳақида ўйлаб юрганларимни ҳеч бир бўёқсиз, қўшиб-чатмай, қандай бўлса шундайлигича қоғозга туширишга жазм этдим. Токи, бизнинг авлодимиз ҳам ўз сафидаги етук ва баркамол фикрловчи тенгдошларини, дўстларини ҳеч бир ҳадик ва ҳасадсиз тан оладиган бўлсин. Уларни жумҳурият олий органларига берашку беҳасад чин дил билан йўллай олсин. Ахир «фалончи депутатликка ўтиб кетибди, менинг ундан қаерим кам» деб аюҳаннос солаётганлар, ўз манфаатлари йўлида қайта қуриш сиёсатини ҳам, партия обрўйини ҳам қурбон қилаётган ва ўзини «янги давр арбоби» деб эълон қилаётганлар озми сафимизда.

Мен яқинда «Московские новости» газетасида ёзувчи Темур Пўлатовнинг «Аппарат ўйинлари» номли мақоласини ўқиб қолдим. Муаллиф фикрича гўёки Ўзбекистонда бу йил ҳам ўтган йиллардагидек сайлов ўйинлари, партия ташкилотларининг лўттибозликлари давом этаётган эмиш. Бунга мисол қилиб Темур Пўлатов адабиёт, санъат ва илмфан оламининг вакиллари ҳеч қаердан номзод қилиб кўрсатилмади, деган бемаъни ғояни илгари суради. Темур Пўлатов нима мақсадда бундай бўҳтон сўзларни айтганини мен билмайман. Лекин мен Эркин Воҳидов, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Солиҳ, Шерали Жўраев, Пиримқул Қодиров, Абусаид Кўчимов, Олмахон Ҳайитова, Турсуной Содиқова, Тошпўлат Аҳмедов, Жаҳонгир Маматов ва Карим Баҳриев каби неча ўнлаб шоир, ёзувчи, ҳофиз ва журналистларнинг Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинганини яхши биламан. Жумҳуриятимиз тарихида ҳеч бир даврда, ҳеч бир сайловда бу қадар кўп адабиёт ва санъат вакиллари депутат бўлиши учун эркинлик ва имкон яратилмаган эди. Биз буни тан олмасак нонкўрлик бўлади. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, етмиш йилдан буён миллий классик қўшиқларимиз ижрочиларидан бирортаси ҳам жумҳурият олий органларига депутат қилиб кўрсатилмаган экан. Фақат Ҳалима Носировагина СССР Олий Советига депутат бўлган, холос. Темур Пўлатов айблаётган бу йилги сайловдаги халқчиллик ва адолат туфайли Шерали Жўраев номзоди жумҳурият халқ депутатлигига кўрсатилди ва рўйхатга олинди.

Биз ёзувчилар эса икки хил қаламга, икки хил сиёсатга ўрганмаслигимиз керак. Ҳамиша ўз бемаъни манфаатимизни халқ манфаатидан, жумҳурият манфаатидан устунлик қилишини жиловлаб туришимиз лозим.

Еш ва умидли журналист Карим Баҳриев номзодининг Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига кўрсатилиши ва рўйхатга олиниши ҳам менинг назаримда қайта қуришнинг, жумҳурият партия Марказий Комитетига ишга келган ва одил янги раҳбариятнинг олиб бораётган оқил сиёсати натижасидир. Ўзингиз ўйлаб кўринг ахир! Авваллари шундай жасур ва журъатли журналистларни номзод қилишга қўйишармиди? Ургутликлар уни сайлашадими, йўқми, билмадим, лекин барибир номзод сифатида яхши одамни танлаганларидан хурсандман. Негаки энди ясама, гўл депутатларнинг пайти ўтди. Бир дўстим бошлиқлар бева бир аёлни паранжисини олиб, ялиниб депутат қилганликларини, Тошкентга сессияга ҳар гал қайнотасидан ижозат олиб зўрға олиб келганларини ҳикоя қилиб берган эди. Хайрият, одамлар бундай қўғирчоқ депутатлар керак эмаслигини бугун англаб етмоқдалар.

Мен бугун Карим Баҳриевнинг ўткир публицистик мақолаларини, матбуот саҳифаларидаги қатор дадил чиқишларини тилга олмадим. Мен унинг ҳақида ўзим ёнида юриб кузатган, хаёлимдан кечган ўйхаёлларимни қандоқ бўлса, шундайлигича ёзишга қарор қилдим, холос. Бу ихлос ва эҳтиромга эса мен табиийки, унинг қадди-қомати учун эмас, балки ёзганлари учун, адолатсевар ва курашчанлиги учун ихтиёр сездим. Мен унда депутатликка муносиб нималарни кўраман? Биринчидан, унда уйғоқ қалб, фикрловчи тафаккур бор. Адабиёт газетасига бош уриб келган жабрдийда одамларнинг арзини олиб гоҳ Сурхондарёда, гоҳ Хоразмда, гоҳ Бухорода юради.

Бир куни ўғли армияда ҳалок бўлган ғаллаороллик отадан редакцияга хат келди. Бош муҳаррир уни «Карим ёки Исмат бориб келсин» деб хатлар бўлимига ўтказибди. Эрта борарман, индин борарман деган ўй билан хатни бир ҳафтага яқин столим устида сақлаб юрдим. Бир куни уни излаб тополмадим. Бўлим мудиримиз Муҳаббат Туробова хатни Карим олиб Ғаллаоролга жўнаб кетганини айтиб қолди. Рости жаҳлим чиқди. Мавзу яхши эди. Кўпчиликнинг дилидаги дард эди. Ўзим ёзмоқчи эдим. Уч кун ўтиб Каримжон қайтди. Очилиб сўрашмадим. Яна уч кун ўтиб қўлимга бир мақола тутқазди, кўриб беринг деб. Ҳам алам, ҳам носамимийлик билан ўқий бошладим. Ўқий бошладим-у, Каримни барибир ёмон кўраолмаслигимни, у мақолани мендан ҳам яхши ёза олишини беихтиёр тан олгим келди. Карим мақолани йиғлаб ёзган эди. Мен ҳам уни йиғлаб ўқидим. Уни, балки Сиз ҳам, муҳтарам дўст, йиғлаб ўқигандирсиз. У «Ой бориб, омон қайтмаган болам» номли мақола эди...

Каримда иқтисодий билим бор. — У «Ҳаёт ва иқтисод» — «Экономика и жизнь» журналининг таҳрир ҳайъати аъзосидир. Унинг жумҳуриятни хўжалик ҳисобига ўтказиш борасида ўз режалари борлигини яхши биламан. Самарқанд вилоятини мева-сабзавотчиликка ихтисослаштиришга, Зарафшон дарёсининг тозалигини асраш учун Самарқанд- Навоий-Бухоро ҳаракати уюштиришга доир мулоҳазаларни излаб юрганидан хабардорман. У бир куни менга дабдурустдан «Исмат ака, амалдорлар биз ёзган билан пора олишни бас қилмайдилар, келинг, халққа: «Одамлар, пора берманг!» дея мурожаат қилайлик» — деган эди. Агар депутат бўлса, энди бу борада ҳам аёвсиз курашиши аниқ.

Карим Баҳриев ҳар сафар Ургутга бориб келгач, «Халқ жуда сабрли-да, Испанзанинг ичкари йўлларидан бронетранспортер ҳам юролмайди, Қуйи қишлоқда мактаб қуриш керак, Жайрада болалар боғчаси йўқ, ёшлар ишсиз — саноат корхоналари қуриш лозим, тамакининг аччиғини айтмайсизми?!! Ай, бу ургутликларни асраш керак», деб фиғони фалакка чиқарди. Агар депутат бўлса, ўзи шу ишларни қилади, албатта. Ўзи ўша жойларда туғилган, билади...

Исмат ХУШЕВ,
«Ҳаёт ва иқтисод» — «Экономика и жизнь» журналлари бош муҳаррири вазифасини бажарувчи.

Саломатлик клуби

Ҳаёт—буюк неъмат



Касалхонага ўз оёғи билан юриб келган беморни уйига «Тез ёрдам»да олиб бориб қўйишди. Бундан ёмон нарса йўқ шифокор учун. Ўлиб-тирилиб уринсангу, натижаси бўлмаса, алам қилар экан. Тўғри, беморни қабул қилиб олаётгандаёқ унинг яқинларини огоҳлантиришган эди: «Юз фоиз кафолот беролмаймиз» деб. Барибир бу баҳона эмасда. Умид билан келиб...

— Шифокор аҳли табиатан мутлақ натижа учун курашади, — дейди Тошкентдаги 6-шаҳар касалхонаси бош врачи, СССР соғлиқни сақлаш аълочиси Пўлат Жонибеков. — Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки олтин йўқолса, вақти келиб ўрни тўлиб кетади. Инсон ҳаётдан кўз юмса-чи? Ҳеч қачон... Шунинг учун табиат инъом этган ҳаёт деб аталмиш буюк неъматни ҳар хил хуружлардан муҳофаза қилишни ўз касбига айлантирган киши, менинг билишимча, сўнгги имкон қолгунча бемор ҳаёти учун курашмоғи даркор.

Дарҳақиқат, Пўлат Болтабоевич раҳбарлик қилаётган касалхонада бу қоида тусини олган, десак муболаға бўлмас. Меҳр-шафқат тобора биринчи ўринга чиқмоқда. Ҳатто бошқа шаҳарлардан, қўйингки қўшни жумҳуриятлардан шу ерда даволаниш истагини билдириб келаётган беморлар сони ортиб бораётгани ҳам шундан. Бир сўз билан айтганда моҳиятига кўра шаҳар касалхонаси жумҳурият аҳамиятига молик бўлиб бормоқда.

— Бундан уч йил муқаддам касалхонамизда микрохирургия бўлими очдик, — деб ҳикоя қилишда давом этади бош врач. — Шу вақт ичида 1450 дан зиёд бемор махсус микроскоп ёрдамида қилинган ўта ноёб операцияни ўз бошидан ўтказди. Яқин-яқингача биз учун мўъжиза бўлиб туюлган жарроҳлик санъати мана бугун кўз ўнгимизда намоён бўлаётир. У ёки бу сабаб билан тан жароҳати олиб, у ёки бу аъзосидан ажралган беморлар бу ерда таскин топмоқдалар. Ўтган йили 64 та бармоқ, 9 та қўл уланганини, мажақланиб кетган 2 та тўпиқ қайта жонланганини айтсам, гап нима ҳақда бораётгани тушунарли бўлса керак.

Сурункали яралардан фориғ бўлиш ҳам худди шу бўлимда амалга оширилади. Яъни, беморларга кўп йиллар азоб берган яралар кесиб ташланиб, ўрни уларнинг таналаридаги соғлом ердан олинган «ямоқ» билан қопланади. Бу айтишгагина осон. Амалда эса...

Касалхонада ишлаб турган аллергология бўлимида бир йўла 90 киши даволаниши мумкин. Бу кўпми, кам? Агар икки миллионли Тошкент шаҳрида шу касалхонадагина шундай бўлим фаолият кўрсатиб турганини ҳисобга олсак, албатта, кам.

— Афсуски, узоқ йиллар мобайнида биз мазкур хасталикка етарли даражада эътибор қилмадик, — дейди Пўлат Болтабоевич куюниб. — Завод-фабрикаларни шаҳар ташқарисига олиб чиқиш тўғрисида қарорлар қабул қилинди-ю, аммо бунинг аксича, янгиларини ҳам қаторлаштириб қуриб ташланаверди. Оқибатда ҳаво ифлосланди. Зилол сувли ариқлар қўмилди, борлари эса, ахлат-чиқинди оқоваси оқадиган ўзанга айланди. Шаҳар атрофидаги хўжаликларда ишлатилаётган заҳарли химикатларни айтмай қўяқолай. Оқибатда аллергик касалликларга чалинган кишилар кескин кўпайди. Буни бартараф этиш учун биз амалга ошираётган ишлар ҳали талабга жавоб бермайди. Устига устак, жумҳуриятимиздаги бирорта медицина институтида аллергик касалликларни даволайдиган шифокорлар тайёрланмайди. Бугун бизда ишлаётган врачлар зарурат туғилиб қолгандан сўнг шошилинч равишда марказий шаҳарларда малака ошириб қайтган кишилардир.

Ўрни келиб қолди, айтай. Биз бу ерда ҳам анъанавий усулдан воз кечдик. Яъни, укол қилиб, даволаш натижасида турли юқумли касалликлар кўпаётганлигини, хусусан, СПИД касаллиги пайдо бўлганлигини эътиборга олиб, аллергинларни нафас йўлига пуркаш ҳамда тери орқали юборишдек янги усулдан фойдаланишга ўтдик. Бу усул, биринчидан, беморларни юқумли касалликдан сақлайди, иккинчидан, энди улар аввалгидек 20-24 кун эмас, 15-16 кунда даволаниб уйларига қайтаётирлар.

Кейинги пайтларда, Шарқ тиббиёти ҳақида кўп гапириладиган бўлиб қолди. Ибн Сино туғилган заминда бу табиий ҳол. Лекин амалга оширилаётган ишлар кўлами Пўлат Болтабоевични қониқтираётгани йўқ. Тўғри, бошқалар гап билан тоғ ваъда қилаётган бир пайтда у етакчи бўлган касалхонада дори-дармонсиз, нина билан даволайдиган марказ очилди. Бу Москва ва Қозон шаҳарларида мавжуд шундай марказларнинг учинчиси эди. Самараси тезда кўрина қолди. Агар янги очилган 1988 йилда 1253 бемор шу усул билан даволанган бўлса, ўтган йили 1587 бемор соғайди. Яна бир факт: агар 1988 йилда беморларнинг ётиб даволаниши 18 кунни ташкил этган бўлса, ўтган йили 14 кунга тушди. Ваҳоланки, марказ ташкил қилингунга қадар бу кўрсаткич 30-35 кундан иборат эди.

— Кун санаб қолганимга ҳайрон бўлаяпсиз-а? — дейди кулиб бош врач ва қўлига ручка олиб, алланарсаларни ҳисоблай бошлайди. — Мана, қаранг. Авваллари бир ўринни тўрт бемор 72 кун банд этган бўлса, эндиликда 70 кун ичида беш киши даволаниши мумкин. Фарқи бор-а? Агар билсангиз, бу одамларнинг соғлом ҳаётини тўрт кунга узайтиришгина бўлмай, айни вақтда касалхонадаги ўринлар етишмовчилигини маълум маънода камайтириш ҳам демакдир.

Шу ўринда Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасидаги ўртоқларимизнинг муттасил қилаётган кўмагини таъкидлашни истардим. Улар бизнинг дардларимизни тушуниб, ўз вақтида юрагимизга қулоқ солганлари учун ҳам қисқа фурсат ичида ҳажм жиҳатидан анчайин катта ишларни рўёбга чиқариш мумкин бўлди, деб ўйлайман.

Бироқ шифокор ўз устида ишламас экан, унинг қўлига тушган беморнинг шўри қуриди, деяверинг. Шундай кўнгилсизликка йўл қўймаслик учун мазкур касалхонада изчил иш олиб борилмяпти. Кейинги икки йил мобайнида врачлар малакасини ошириш бўйича 95 фоиз кўрсаткичга эришилди.

Шифохона ҳузурида поликлиника бўлими ишлаб турибди. Атроф маҳалла-кўй, Бешёғоч даҳасида истиқомат қилаётган кишиларнинг бу томондан кўнгиллари тўқ. Зарурият туғилди дегунча, касалхонага етиш имконияти бор уларда.

Лекин амалга ошириш лозим бўлган муаммолар ҳали кўп.

— Дориларни қўяверинг, — дейди у хуноби ошиб, — етишмаслигини илгаридан биламиз. Айнан шу етишмовчилик шифокорни нўноққа чиқариб қўяди, кўпинча.

Микрохирургия бўлимидаги микроскопнинг битталиги ҳам уни ташвишга солади. Худо кўрсатмасин, операция кетаётган пайтда бузилиб қолса борми...

Яна бир муаммо — озиқ-овқат танқислиги. Маълумки, 1989 йилдан беморларнинг кунлик рациони учун ажратилган маблағлар 96 тийиндан 1 сўм 38 тийинга ошди. Улуғ Ватан уруши ветеранларига ажратилган маблағ эса бундан ҳам катта.

Аммо қани ўша озиқ-овқат?

— Бир нарсани ўйлаб турибман, — дейди Пўлат Болтабоевич хаёлга чўмиб. — Тошкент шаҳри атрофидаги хўжаликлардан бирортаси билан шартнома тузсак-чи?! Улар бизга ўзларида етиштирилган мева-сабзавотни етказиб туришсин. Биз эса, ўз навбатида ушбу хўжалик аъзоларини даволайлик...

Хуллас, режалар кўп. Гап уларни амалга оширишда.

— Коллективимиз аҳил, — дейди бош врач фахрланиб, — аллерголог Бахтиёр Баҳромов, травмотолог Эдуард Сааков, микрохирург Дмитрий Югай, пульмонолог Нелья Примакова, касалхонамиз бош ҳамшираси Антонина Стенушкина, диагностика бўлими врачи Людмила Прудникова... Беморлар миннатдорчилигига сазовор бўлаётган шифокорларимиз номини ҳар қанча давом эттириш мумкин. Улар билан ҳар қандай ишни поёнига етказишингга ишонасан, киши. Бизнинг касбда эса, бу жуда муҳим...

Пўлат Болтабоевичнинг хаёлидан икки кунгача «Тез ёрдам»да уйига жўнатиб юборилган бемор кетмади. Тушликдан кейин яқин дўсти — тажрибали психолог Адольф Аркадьевич Зильберштейнни ёнига олди-да, беморнинг уйига борди. Биргалашиб яна бир қур кўз кечиришди ва...

Уч кундан сўнг эрталабдан қўнғироқ жиринглади. Трубкадан ҳаяжонли овоз эшитилди.


— Ёзиб берганларингиз уколларни олгач, дадамиз кўзларини очдилар, ейишга овқат сўрадилар. Ҳатто туриб ўтирдилар ҳам...

Пўлат Болтабоевичнинг кўзларига ёш келди, беихтиёр.

— Хайрият, яна бир умр сақлаб қолинди...

З. РИХСИЕВ.





СУРАТЛАРДА: шифохона бош врачи П. Жонибеков (юқорида) фармацевтика институти талабалари билан мулоқотда. Даволаш марказига замонавий компьютерларнинг ўрнатилиши беморларга диагноз қўйишда жуда қўл келади. Медицина фанлари номзоди Жамшид Мақсумов врач-невропатолог Светлана Вепрова билан компьютерлар хулосаларини кўздан кечиришяпти (чапда); ҳамшира бемор ҳузурига ошиқмоқда.

Муҳаммад АМИН суратга олган.

ВЛКСМ XXI съезди делегатлари

Ташвишлар ўткинчи эмас

(Боши 1-бетда).

Қайта қуриш ва демократиялаш шароитида жамиятимиздаги ёшлар ташкилоти қандай бўлмоғи керак! Бу шунчаки жўн савол ва ёшларнинг ўткинчи ташвишлари эмас. Танглиқдан қандай қилиб чиқиш мумкин! Ана шу ва кўплаб бошқа саволларга ВЛКСМнинг навбатдан ташқари ўтадиган XXI съезди жавоб бериши лозим.

Қуйида сизга шу анжуманга делегатлардан бири ҳақида қисқача ҳикоя қилмоқчимиз. Бу — Насиба Пиримқулова. Унинг ҳаёт йўли тенгдошларидан фарқ қилмайди. Насиба Наманган вилоятининг Ҳаққулобод шаҳридаги Пушкин номли 1-ўрта мактабни 1986 йили тугатиб, қўлига етуклик аттестатини олгач, узоқ касб танлаб ўтирмади. Бир гуруҳ дугоналари қатори Ворошиловград вилоятидаги Стаханов шаҳрига тикувчи-мотористлар тайёрлайдиган ҳунар-техника билим юртига ўқишга борди. Малакали устозларидан чеварликнинг сир-асрорларини пухта эгаллаб, ўз она шаҳридаги тикувчилик фабрикасига ишга келади.

Пухта назарий билим ҳамда амалий тажрибага эга қиз қисқа вақт ичида коллектив ҳурматини қозонади. Насиба ишлаб чиқаришда илғор бўлиш билан бирга жамоат ишларида ҳам фаоллик, ташаббускорлик кўрсатади. Шундан ҳам комсомоллар бу ишлаб толмас, дугоналарига ғамхўр қизни ўзларига 1989 йилда етакчи қилиб сайлашди.

Комсомоллар етакчиликка унинг номзодини кўрсатиб янглишмаган эдилар. Ҳозир фабрикадаги 170 комсомол ўз сардори билан фаолият кўсатиб, ҳамиша тикувчи ҳамкасабалари билан ҳамнафас. Натижада ишда самара ва сифат ўсиб бораётир. Масалан, ҳозир фабрика тикиб чиқараётган болалар кийим-бошларига талаб катта. Чунки чеварлар қўлидан чиқаётган маҳсулотлар хорижий фирмалар билан бемалол рақобатлашадиган даражада. Фабрика йилига 2 миллион сўмлик, яъни 297.550 дона болалар кийимларини тикиб, савдо дўконларига чиқармоқда.

Суратларга эътибор қилинг. Чеҳрасида табассум балқиб турган қиз Насиба Пиримқулова; пастда эса Насиба ҳамкасблари даврасида.

Карим РАҲИМ.

Аъзамжон МИРЗАЖОН олган суратлар.





Фалокат оёқ остида

Шу йилнинг 6 февраль куни Тошкент шаҳрида кутилмаган ҳодиса рўй берди. Кеч соат олтиларга яқин шаҳарнинг Лоҳутий кўчасида жойлашган Тошкент Автомобиль йўллари институти биносининг кириш эшиги олдида портлаш рўй бериб, шу институт талабаларидан тўрт киши енгил жароҳатланди. Жабрланганларга зудлик билан тиббий ёрдам кўрсатилди.

Воқеа аслида бундай бўлган эди. Ана шу яраланган болалардан икки нафари икки жуфт «жинси» шимини пуллаш учун олиб келишган. Харидорлар ҳам осонгина топила қолган. Шимларни 1000 сўмга баҳолашган. Мижозлар ҳам аввалига рози бўлишган. Кейинчалик маълум бўлишича, шимни сотиб олмоқчи бўлган йигитлар уч-тўрт киши бўлиб осонгина тортиб оламиз деб ўйлашган. Аммо шим эгалари рози бўлишмагач, улар ўзлари билан олиб юрган портлаш воситасини ишга солганлар.

Ички ишлар бўлими ходимларининг дадил хатти-ҳаракатлари туфайли бу безорилардан иккитаси ушланган. Бири Тошкентдаги олий ўқув юртларининг талабаси, яна бири эса ҳеч қаерда ишламайдиган дайдилардан бўлиб чиқди. Улар энди қилмишларига яраша жазоланадилар.

Ёмғир ёққани билан тошга кор қилмайди!

Табиат қонунияти нуқтаи назаридан бу нотўғри. Томчи секинлик билан тошни, қояни, темирни емиради. Мутлоқ адо этади ҳам. Демак, бунда инсонга нисбат берилган. Тўғри-да. Агарда кишининг териси, юраги метин бўлса ёмғир таъсир этадими? Ҳоҳ томчиласин, ҳоҳ сизларга шаррос қуйсин. Эти жимирламайди. Ҳатто гурзи ҳам уни йўлга сололмасов. Унақалар бизда кўп. Ачиниб кетасан. Бағритошларга ёнма-ён яшаётганингдан. Имкон бўлса-ю, улардан йироқ кетсанг. Аммо бундан наф йўқ. Киндик қони тўкилган Тупроқ, кекилларини ювган Дарёни бемеҳрларга қолдириш — гуноҳ! Қутулишнинг йўли, битта. Уларнинг баҳридан кечиш. Бошқа иложи қолмади, Гапираверib чарчадик. Томоқларимиз қуруқшаб кетди. Ер кимёга букқан, сув ифлос, дарахт мўлтоқ.

...Оқсув дарёси. Илгари унинг соҳиллари сўлим эди. Шамол тарашлаган тошлар, тўда балиқлар ўзаннинг кўрки бўлганини энтикиб эслашади. Мироқининг «елкаси»да сув омбори қурилдию, унинг замини, бойлиги оёқости бўлди. Ҳисор тоғининг бағри тимдаланди. Боботоғ кўксидан қўпорилган тошлар воҳанинг исталган қишлоғига элтилган. Нақши бетакрор тошлардан деворлар, иморатлар қурилди. Кимнинг таниши сув омбори қурилишида ишлаган бўлса, бу саховатдан бенасиб қолган эмас. Ҳанузгача чўллар, овулларда иморат пойдеворига қўйиб улгурилмаган Ҳисорнинг қоялари бор. Бир хазинанинг қудратиям шуда. Ҳатто анъанага айланди. Ана шу беминнат, «эгасиз» тошлардан ҳовлида нимададир фойдаланиш. У тайёр, белинг оғримайди. Юклаб. Ўшангами, кишилар ўз дарёси тошларини менсимай қўйдилар. Мироқининг қояси довруғи кўпчиликни сеҳрлади. Дастёр «КрАЗ», «БелАЗ»лар ҳар кўчага баъзида икки мартадан «меҳмон» бўлгани чин. Яхшиямки сув омборини тиклаш адоғига етди. Йўқса тоғ ҳам тугаб битарди.

Биз бир томонлама ўйлашнинг қурбонимиз. Унинг домидан ҳалиям бўшолганимиз йўқ. Сув омборининг тикланишидаям шундай бўлди. Натижаси... Мироқининг дунёни айланиб тополмайдиган табиати ўз юзини йўқотди. Ўсимлик, ҳайвонот оламига қирон келди. Беватанлар уйли-жойли бўлди. Унинг соҳасига оид юмушлар битган бўлса-да, жилгиси йўқ. Судраб чиқаролмайсан.

Оқсув, Қорасув ўзанидан паноҳ топган жониворларнинг хуни урмасмикин! Сувга ташна балиқ, типирчилай-типирчилай ўлгани хаёлга урилса эт жимирлайди. Этсизларга эса барибир. Обрў, шон-шуҳрат йўлида ҳақоратни таъзимга қабул этишга тайёрдир улар.

Миллион сўмлар сарфланиб бунёд этилган Ҳисорак тўғонини ҳужумга панжасини ёйган бургутга қиёслайман. У ҳам бу қонхўр йиртқичдек бутун Қашқа воҳасининг бошида турибди. Эй худо, қишлоқ, гўдаклар умрига зомин бўлмасинда у. Шунчалар даҳобоп фаросат кимдан чиқдийкин? Тўғонни юрт бошида қуришга қанчалар югуриб-елдийкин у. Энг даҳшатлиси, ишбошилар ўзларини юрт, халқпарвар, деб атайдилар. Балки «олий» хизмати эвазига давлатнинг бирон бир «юксак» мукофотини ҳам олгандир?!

Минг карра таассуфки, дарё бўйидагилар ҳозирда зилол сувга ташна. Янги тикланган уйларнинг эгаларининг фиғони осмонга устун. Ота-боболари қазиған ариқ ёқаларидан темир-терсакнинг занги оқади.

Инсоннинг қадру-қимматини ерга уриш ҳақорат, у ичадиган сувга тупуриш билан баробар. Бундан баттар хўрлаш бўлмайди. Шовкан, Темирчи, Полмон, Бўзариқ, Сойбўйи қишлоқларининг аҳли эса бунга чидаб келаётир. Офарин, уларга!

...Мироқининг қуйи қишлоқлар билан боғлаб турадиган эски кўприги бор. Ҳозирда ундан пиёдалар фойдаланади. Унинг ёнгинасидан канал қазилган. Пастдагиларни ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида. Очиғини айтган маъқул. Ҳақиқатан кўпгина аҳоли истиқомат жойларида қулайлик яратди бу. Ташвиш камайди. Аммо таҳликаси кучайган. Жудаям.

Юз эллик — икки юз метр! Қолгани ҳаромми! Ундан ҳам беш баттар. Заҳри-заққум. Нечун бу кор-ҳол?. Катта ариқ бўйида ҳар хил хизматдаги бинолар қурилган. Уларнинг жами «Гиссаракгидрострой» қурилиш бошқармасига тааллуқли.

Мулоҳаза юритишдан андак мунозара. Аввал — сув йўли қазилганми, ёки иморат? Биров униси деса, бошқаси аксини айтади. Баҳс роса қизигач маълумладик. Канал биринчи қазилган. Шартмиди бу далилга тўхталиш. Шубҳасиз, шарт. Нега? Демак, иш, бефаҳмларча қилинган. Балки атайлаб. Йўқса булоқ бошида номақбулликларга бало бормиди? Элнинг ғамини ейиш-да, бу.

Деҳқоннинг нони, оши яримта бўлиб турганида ҳеч бўлмаганда бир қултум ҳалол сув ичсин, шўрликлар. Уларнинг онаси тупроққа булғаб туғмагандир?

...Ёв кетяпмиз. Ҳар қадамда учрайдиган нохушликдан дил хира тортади. Ариқда лаш-лушлар чунонам кўпки, санаб адоғига етолмайсан. Темир-терсак, қурилиш чиқиндиси, Расвогарчилик ундан зиёд бўлмас. Сув омборининг қуйилишидан халқ бунчалар жабр кўраман, деганмиди? Ҳар ўн метрда турли машиналарнинг баллони. Бир ерда эса техника кабинаси. Сувга чўкиб ётибди. Эсиз ҳурмат. Диёнат!

ХТП-27 корхонаси соҳилдан беш-ўн метр нарида жойлашган. Унинг бошлиқлари ҳозиргача ё ўйлашган, ёки йўқ. Пастдаям улардек одамлар яшаётганлигини. Акс ҳолда чиқинди сувини тўғри анҳорга оқизишмасди. Ота-боболаримиз бежиз айтишмаган: сувга тупурма, кўр бўласан деб!

Темир-бетон заводи маъмуриятининг қилмиши жиноят! Уларни суд қилиб «хизматларига» яраша жазолаш ҳам оз. Сифатсиз ҳамда ортиқча цемент қоришмалари илкас анҳорга ташланмоқда. Қани энди замон кўтарса-ю, ўша ифлос сувдан бир косасини беғам, қалбсизларнинг ўзига ичирсанг. Бўғилиб ўқчишларидан ҳузурлансанг. Афсус, илож йўқ.

Шу ҳақда ўйлаётиб, кўз ўнгимда ремонт-механика устахонаси ҳовлисининг уч еридан, ариққа оқаётган мой қолдиқлари келади. Кечагина туғилган гўдак, она қорнидаги норасида, тузалишига умидвор бемор унинг ҳўпламидан сўнг кўз юмса кўргуликда, бу кўргулик!

Унинг тавсифига бошқа сўз йўқ, Калимага келмайди. Ростданам кўр...лик!

Икки жумла Оқсув дарёсининг асл ўзани ҳақида. Ундан Чоршанбадан тортиб Яккабоғгача оби ҳаёт оқади. Соҳил бўйида яшовчилар экин-тикин суғориш, баъзан истеъмолда фойдаланадилар. Буни кўпчилик билади. Аммо Оқсув бўйида кечаётган воқеалар бировга маълум, бошқага йўқ.

Мироқи посёлкаси чиқиндихонасининг қувурлари дарё устидан ўтган. Фалокат рўй бериб ёрилса, ўзанга оқади. Посёлкада ҳар хил лабораториялар, кимёга алоқадор цехлар бор. Заҳарнинг бир томчиси жонзодга кифоя. Шу боис «канализациялаштириш»да алоҳида эътибор қаратилади. Фалокат, тасодиф унга ёт! Аммо посёлкада бу ҳодиса тез-тез содир бўлиб туради. Ҳатто ўнлаб актлар тузилган. Натижасиз. Халқ ишонмай қўйди. Шу йилнинг 11 январида навбатдаги авария тафсилоти қайд этилган. Имзо чекувчилар: ЖККО бошлиғи Самариддин Маллаев, Шаҳрисабз ноҳияси санэпидстанцияси врачи Қаҳрамон Furthermore Бобоёров, 237-Мироқи сайлов мавзеси, сайлов комиссияси котиби Абдуманнон Боқиев. Қанийди, бу охиргиси бўлса.

Ифлос сув қувурининг аҳоли чорбоғидан ўтган жойларидаги ямоқ ҳеч бир таърифга сиғмайди. Гоҳ ерларда қувурнинг усти ўйиқ. Лекин ёпилган: резина-ю чим билан. Ости тешилган жойларга пона қоқилган бўлса-да, томчилаб турибди. 360 кубга мўлжалланган чиқинди ҳовузи тўлиб қолгач балки тунда пона суғирилар.

Кенг дарё. Эрталабгача изи қолармиди?! Хавфли ўйин бу.

Бу ҳасратлардан мақсад нима? Бировнинг юзини чаплашми? Асло. Инсофга чақириш. Уям оёғининг остига қарасин. Ёки «Гиссаракгидрострой» қурилиши бошқармаси раҳбарларининг шохи борми? Шунча таъна-дашном озлик қилгандек соҳил бўйидаги дарахтзорларни топтаб Қани қишлоғида бино қураяпти. Уч қаватли. Ҳойнаҳой унинг ҳам чиқиндиси дарёга ташланади. Ўсимлик оламига келтирилган, келтирилажак қиронни айтмайсизми?

Ватаннинг барҳаётлиги атроф-муҳитнинг соғломлигига боғлиқ. Наҳотки «Гиссаракгидрострой» раҳбарлари буни билмайди? Балки ғарангсиб юришгандир? Аҳоли арз-доди, фарёд-фиғони, билгани, эшитмагани ўзига аён. Бизга эса бир нарса маълум. Улар элдошлари, тупроғини, сувни суймайди. Йўқса ариқни булғатмасди.

Номлари зикр этилган қишлоқ аҳлига кишининг раҳми келади. Заҳарланган сув туфайли хонадонларда беморлар кўп. Мабодо у даволанишга борса ҳам анҳордан баҳраманд ноҳия касалхонасига ётқизилади. Бу қандай бедодлик? Соғлом юрганда, хасталикдаям заҳарли, ифлос сувдан қутулолмаса. Бунинг таърифи не? Исканжа.

Сўнгги савол. У маъсулларга. Юқоридаги тошбағирликлардан сўнг ҳам «Гиссаракгидрострой» қурилиш бошқармасининг сув бўйидаги нобакор корхоналарини асраб туриш мақсадга мувофиқми?


Халқнинг сўрови бу!..

Қурбон ЭШМАТ,
«Ёш ленинчи»нинг махсус мухбири.
Қашқадарё вилояти.


* * *

Биллур гардишидаги доғ









Суратларга қаранг, дилни хуфтон қиладиган манзара. Ашқол-дашқолларга тўлиб кетган бу анҳордан халқ сув ичади. Темир-терсаклар парчалари етмагандек, унга «Гиссаракгидрострой» қурилиш бошқармасининг ремонт устахонасидан оқава қўшилаяпти.

Темир-бетон корхонасидан оқиб чиқаётган цемент қоришмасидан сўнг сувнинг ранги ўзгарган.

Муҳаммад АМИН суратга олган.

Эзгуликнинг кечи йўқ

Ўтган йилги хатларни сарҳисоб қила туриб, муштарийларимиздан 64 мингдан ортиқ мактуб олганимиз — рўзномамизнинг юбилейи арафасида қандайдир рамзий маъно касб этмасмикан, деган ўйга бордим. Бу байрамимизга тўёнами? Ёки рўзномамиз ижодкорлари билан муштарийларимиз ўртасида ажиб бир меҳр-оқибатга боғландими? Қарангки, обуначиларимиз ҳам «қасд»лашганмилар, дейман, анча-мунча кўпайишибди.

Жумҳуриятимиз матбуот тарқатиш бош бошқармасининг хабар беришича, обуна бўлишга улгурмаган газетхонларимиз учун ҳам матбуот савдо дўконларига 33 минг дона «Ёш ленинчи» чиқарилмоқда. Хуллас, ҳар куни 513 мингдан ортиқ нусхада «Ёш ленинчи» чоп этилаётир.

Муштарийларимиз Мағрибу-Машриқдан ҳам топилади, десак хато бўлмас. Америка Қўшма Штатларида 4 нафар, Хитой Халқ Республикасида 3 ва Германия Федератив Республикасида 2 нафар ўқувчимиз борлигидан фахрланамиз. Байрам арафасида редакциямизга йўлланган табрик телеграммалари ва мактубларининг кети узилмайди.

«Қутлуғ тўйинг муборак, севимли «Ёш ленинчи»м, — **деб ёзибди Германия Демократик республикасида йигитлик бурчини ўтаётган Уммат ХОЛТОЕВ.** — Мен Тошкент политехника институтининг граждан саноати қурилиши факультети амалий геодезия бўлими кечки бўлим 2-курс талабаси эдим. Талабалик даври билан солдатлик даврининг ҳам ўзига ярашагашти бор экан. «Ёш ленинчи»нинг ҳар бир сонини интиқлик билан кутаман. Унинг ҳар бир сатрини ўқиб туриб, аудиторияларда ўқитувчиларимдан тинглаган маърузалар ёдимга тушиб кетади. Қадрли «Ёш ленинчи» коллективи рўзноманинг 65 йиллик тўйи фақат сизларники эмас, балки, жумҳуриятимиз йигит-қизларининг ҳам тўйидир дейишга ва сизларга улкан ижодий муваффақият тилашга ижозат бергайсиз».

«Ассалому алайкум, қадрли «Ёш ленинчи» ижодкорлари! Мен бу қайноқ талабалик саломимни қардош Доғистондан йўлламоқдаман. 1989 йил Тошкент Давлат медицина институтига ўқишга кириб, мандатдан ўта олмаганлигим ҳақида «Ёш ленинчи»га мурожаат қилган эдим. Институтдаги ҳалол кишиларнинг ва редакциянинг ҳақиқатпарварлиги билан мен Доғистон медицина институтига қабул қилиндим. Мана талабалик олтин давримни суриб юрибман. Мени бу ерга ўқишга юборган Тошкент Давлат медицина институти ўқитувчилари ва «Ёш ленинчи» коллективининг ишончини оқлашга интиламан. Яна бир бор қутлуғ тўйинг муборак бўлсин, қадрли «Ёш ленинчи».

Улуғбек ҒОЙИБНАЗАРОВ, туғилган гўшам Тошкент вилояти Паркент ноҳиясидаги Ҳисарак қишлоғи.»

«Юзлаб одамлар қатори менга ҳам саҳийлигингни, қайноқ меҳрингни дариғ тутмаганинг учун бир умрга миннатдорман, сендан азиз «Ёш ленинчи», — **деб ёзади, Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод ноҳиясидаги «Деҳқонобод» совхози Гунбулоқ қишлоғидан байналмилал-жангчи Норбек ТОЖИЕВ.**

— Дунёда бошпанасизликдан, бемеҳрликдан ортиқ жафо йўқ, деб биламан. Мен минглаб жумҳуриятимизнинг байналмилал-жангчилари қатори ажал ёнидан қайтганлардан бириман. Оиламиз катта, турар-жойимиз эса кичик эди. Уй-жой олиш учун ялинмаган одамим, кирмаган идорам қолмагач, сенга кўз тиккан эдим. Минг раҳмат. Менга юбилейинг арафасида халқ депутатлари Деҳқонобод ноҳия Совети ижроия қўмитасининг уй-жойларни тақсимлаш комиссияси ноҳия марказидаги 45-уйнинг 16-квартирасини берди. Бугун 65 ёшга кирибсан. Лекин мен мингга кир, миллионга кир, «Ёш ленинчи»!, дегим келади».

Бундай қалб сатрлари битилган мактублардан яна кўпларини келтириш мумкин эди. Аммо эзгуликнинг кечи, саҳийликнинг чеки бўлмаганидек, сиз азиз муштарийларимизнинг ташвиш ва қувончларига шерик бўлолганимиздан ўзимиз ҳам олам-олам қувонч оғушидамиз. Қўлимизни кўксимизга қўйиб раҳмат деймиз.

Саҳобиддин СИРОЖИДДИНОВ,
Шикоят, хат ва оммавий ишлар бўлими мудири.

Хориждан хабарлар

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ БЕЛГРАД. ЮСФР скупшчинаси иккала палатасининг бу ерда ўтаётган мажлисида мамлакатдаги ички сиёсий аҳволни муҳокама қилиш давом эттирилди. Югославия парламентининг аъзолари Косовода юз берган вазиятга алоҳида эътибор бердилар.

Хабар қилинганидек автоном ўлкада сўнгги вақтда албан миллатчилари ва сепаратчилари яна ўз фаолиятларини кучайтирдилар. Улар Косбвонинг Сербия жумҳурияти таркибидан, ва охир-оқибатда Югославиядан чиқишини ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Бу ерда яшаётган серблар ва черногорияликларга албан миллатига мансуб безори унсурлар ҳужум қилишди.

Мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун, дейилди мажлисда, Косовода партиявий раҳбарлик услубларидан воз кечиш, ҳуқуқий давлат принципларини изчил амалга ошириш зарур. Бунда кескин вазиятни вужудга келтираётган ташаббускорлар билан, диний ташкилотларнинг намояндалари билан демократик мулоқотни бошлашга ҳам катта аҳамият берилиши лозим.

Югославия федерациясида ўлкадаги воқеаларга турли нуқтаи назарларнинг мавжудлиги аҳволни изга солишга ёрдам бермайди.

✦ ВАШИНГТОН. Президент Буш ўз маъмурияти Совет Иттифоқи билан савдо муносабатларини ривожлантириш ниятида эканлигини айтди.


Небраска штатининг Омаха шаҳрида маҳаллий штат маъмурлари у ерда уюштирган учрашув чоғида сўзга чиқиб, АҚШ маъмуриятининг бошлиғи «1990 йилда олий даражадаги учрашувимиз чоғида Совет Иттифоқи билан янги савдо битими тўғрисидаги музокараларни тугаллашга умидворман, бу учрашувга бир неча ойгина қолди», деб таъкидлади.

Мамлакатда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда етакчи штатлардан бирининг ҳокимият органлари вакиллари ҳузурида сўзга чиққан Америка президенти бундай битим «Шарқ билан Ғарб ўртасида савдо-сотиқ соҳасидаги тўсиқларни камайтиришга, Америка экспорти учун бозорни кенгайтиришга» кўмаклашади, деб уқтирди. Жорж Буш ўз нутқида Совет Иттифоқига Америка ғалласини етказиб бериш тўғрисидаги масалани ҳам ўртага қўйди ва бунинг мақсадга мувофиқлигига ишончи комил эканлигини таъкидлади. «Ғалламизни Совет Иттифоқига сотиш, жумладан, Америка манфаатларига ҳам, Совет Иттифоқининг манфаатларига ҳам мос келади», деди у.

✦ ЛУАНДА. Намибияда Жанубий Африка Республикаси босқинчи режими хизматида бўлган собиқ «Куфут» бўлинмаларининг юзлаб жангарилари ҳукуматга қарши унита гуруҳларига ёрдам бериш учун Ангола Халқ Республикасининг жануби-шарқига олиб келинди. МПЛА — меҳнат партияси Марказий Комитетининг халқаро масалалар билан шуғулланувчи секретари Афонсу Ван-Дунен Виндхук шаҳрида шуни маълум қилди.

АХР раҳбариятига ўтмишда «Куфут»га хизмат қилган, ёлланган шахслар ҳозир Ангола армияси қисиб чиқараётган террорчилар ташкилоти томонида жанг қилмоқда. Бундай аҳволдан хавотирга тушган республика ҳукумати «кези келганда ўзи зарур ҳисоблайдиган чора-тадбирларни кўради», деб таъкидлади А. Ван-Дунен.

(ТАСС).



АҚШ, «Франклин компьютер» фирмаси Лас-Вегасдаги электрон машиналар қишки кўргазмасига таржимон-компьютернинг янги моделини тақдим этади. Кичкина аппарат хотирасига катта программа жойлаштирилган бўлиб, унда 250 мингдан ортиқ инглиз ва испан тилларида қўлланиладиган сўзлар бор. Компьютернинг баҳоси 299 доллар туради.

СУРАТДА: таржимон-компьютер.
АП-ТАСС телесурати.

ИЧКИ МУАММОЛАР ТЎҒРИСИДА

ВАШИНГТОН. (ТАСС). «Қўшма Штатлар олдида ҳозир анчагина жиддий ички муаммолар турибди», — деди президент Ж. Буш. 9 февраль куни Американинг эллик штати қонун чиқарувчи мажлислари аъзолари ҳузурида сўзга чиқиб. Маориф, атроф-муҳитни муҳофаза этишдаги ишлар аҳволини яхшилаш, жиноятчилик ва гиёвандликка қарши кураш ҳозирги маъмуриятнинг биринчи галдаги вазифаларидандир, деб уқтирди у.

«Гиёвандликдан холи, хавфсиз Америка, — деди Оқ уй бошлиғи, — бизнинг энг муҳим вазифаларимиздан биридир». Буш қорадорифурушликка қарши курашнинг миллий стратегиясини ишлаб чиқишга даъват этди. Бу, деб таъкидлади у, Америка миллати учун жуда катта хавф-хатардир. АҚШ конгрессининг маълумотларига кўра, махфий қорадорифурушлар қўлига ҳар йили 150-170 миллиард доллар тушмоқда.

Буш умуммиллий миқёс касб этаётган жиноятчиликнинг ўсиб бораётганлиги ҳақида хавотирланиб гапирди.

ЎЛИМ ҲУКМИ ЎЗ КУЧИДА ҚОЛАДИ

ЛОНДОН. (ТАСС). Эрон Ислом Республикасининг раҳбари Саид Али Хаменеи Оятилло Хумайнининг ёзувчи Салмон Рушдига нисбатан чиқарган ўлим ҳукми ўз кучида қолишини тасдиқлади. Рейтер агентлиги Теҳрон радиосининг маълумотига асосланиб хабар беришича, С. А. Хаменеи жума номозида «Имом Хумайнининг «Шайтон суралари» китобининг муаллифига нисбатан чиқарган фармони амалга оширилиши керак», деди.

Рушдини қатл этишга даъват Ғарбда қаҳр-ғазаб уйғотди, Бироқ «Шайтон суралари»ни Ислом динини ҳақоратлаш деб баҳолаган кўпгина мусулмонлар маъқуллаб кутиб олдилар, деб таъкидлайди Рейтер агентлиги. Инглиз ёзувчиси ўз ҳаётига реал хавф туғилганлиги муносабати билан бир йилдан буён бошпанасиз яшириниб юришга ва шахсий қўриқчилар хизматидан фойдаланишга мажбур бўлмоқда.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

МИТТИ МАГНИТОФОН

• ЖАҲОНГА донги кетган «Сони» (Япония) фирмаси мутахассислари дунёда энг кичкина магнитофон ясадилар, Магнитофон кассетасининг ҳажми почта маркаси билан тенг бўлиб, яъни қалинлиги 5 миллиметр, узунаси 3 сантиметр, энига эса 2,15.

Кассета стандарт ҳолатидан тўрт марта кичик бўлишига қарамай 2 соат айланади.

КАЛХАТЛАР ЁРДАМ БЕРМОҚДА

АҚШнинг айрим музофотларида коммунал хўжалик ишчилари қувурдан газ сирқиб чиқаётгани ёки чиқмаётганини билишда кўпинча калхатлардан фойдаланишмоқда.

Шу нуқтаи назардан улар табиий газга сасиган гўштнинг ҳидини берувчи химиявий модда қўшишади. Ўлаксахўр калхатлар эса айнан қувурнинг тешилган жойида, яъни газ ҳавога чиқаётган майдонда гир айланишаверади, очиқроғи, «гўшт» қидиришади. Мутахассислар фурсатни қўлдан бой бермаган ҳолда қолган ишни охиригача дўндиришади, деб хабар беради «Интернэшнл уайдлайф» журнали.

ТАРБИЯЧИ «НАННИ»

• ИНГЛИЗ ихтирочиси Питер Холланд ота-оналарга энг яқин ёрдамчи сифатида механик тарбиячи ихтиро қилди. Тўғри, болаларни тарбиялашда ота-она ўрнини босолмайди. Бироқ бу робот болалар билан футбол ўйнаши мумкин, эртак айтиб беради, ҳатто уларни магазинга ҳам етаклаб боради. Болалар уни «Нанни» деб чақиришади.

Шуниси қизиқки, агар болалардан бирортаси «Нанни»нинг гапига қулоқ солмаса, борми, тамом дейверинг. Роботнинг жаҳли қўзиб, бечора болаларни кечки овқатдан маҳрум этади.

ОМАДЛИ БОЛА

● НОРВЕГИЯНИНГ Отерен-Мондай посёлкасида яшовчи ўн ёшли Айзек Тюри бир куни 22000 вольт электр кучига эга бўлган симни ушлаб олди. Ток қаттиқ зарб билан Айзекни улоқтириб юборди. Фалокат бир келса, қўшалоқ келади, деганларидек кийимлари ёна бошлади. Шу пайт унинг бахтига қўшниси Паул Бак келиб қолди ва ўтни ўчирди. Худди шуни кутиб тургандек, бола ўрнидан шартта турдида, ҳеч нарса бўлмагандек уйига кетаверди.

Таъкидлашларича, бундан икки йил аввал ҳам ўлим чангалидан уни Бак қутқариб қолган экан. Ўшанда айқирган тошқин дарё уммонидан тортиб олган.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

КАМТАРИНЛИК, САМИМИЯТ, ОДАМОХУНЛИК... Бу ажойиб фазилатлар албатта ҳар бир инсон феъли-атворини безовчи жавоҳирлардир. Эл орасида обрў орттирган, халқ эътиқод қўйган кишиларда, айниқса, уни кўрганингда руҳингни яшнатиб қаноатлантирадиган кайфият сезасан.

Тожикистон ССРнинг Пушкин номидаги музикали комедия театри актёри, қизиқчи Ҳожибой Тожибоев билан яқиндан танишгач, менда шундай кайфият кечди. Мураккаб бу ҳаётда кўнглингга манзур келган яхши инсон учратганингда беихтиёр унга:

— Биласизми, сиз яхши одамсиз, дегинг келади. Бу азбаройи уни доимо кулиб кўрмоқ истагидан. Шу сўзларни икки қардош халқ кишилари лабига кулгу улашиб, эл ҳурматини қозониб келаётган истеъдодли ак-

жиддий ўйлаш керак бўлган пайтимда кино актёри бўлишни орзу қилгандим. Рассомликка ҳам қизиқишим бор эди. Ана шу сабабли ўрта мактабни битиргач, Тошкентдаги Театр ва рассомлик санъати институтининг драма ва кино актёрлари гуруҳига ҳужжатларимни топширдим. Бироқ, илк уринишда ўз мақсадимга етолмадим. Йўқ. Колхозда икки йил ишладим. Ниҳоят, 1973 йилда Островский номидаги Театр ва рассомлик санъати институти талабаси бўлиш насиб этди.

Ҳожибойдан бир гал санъатга қандай кириб келгансиз, деб сўраганимда, у:

— Пиёда кириб келганман, — деб ҳазил аралаш жавоб берган эди. Дарҳақиқат, иқтидорини тўла намоён эта оладиган ижодкор бўлишга қаттиқ интилгани, изланиб ўрганганлари туфайли санъат оламига ўз қиёфаси билан

йўқ. У Тошкентда қолиш ҳақида қилинган таклифларга қарамай, оилавий шароит тақозоси билан Тожикистоннинг Пушкин номидаги музика ва комедия театрига йўлланма олди. Бу театрда Жўраҳон Набиев, Ўринбек Ҳамдамов, Абдурауф Олимов сингари таниқли санъаткорлар ижод қилишади. Ҳожибой улардан ҳам маҳорат сирларини ўрганди. Бир неча спектаклларда бош ва етакчи ролларни ижро этди. Аммо, қали қизиқчи Ҳожибой номи кашф этилгани йўқ эди.

— Ўзбекистон ССР халқ артисти Шерали Жўраев билан танишувимиз ҳаётимдаги бурилиш нуқталаридан бири бўлди. Ҳассос санъаткор менда комиклик иқтидори мавжудлигини сезиб, концертларда конферансьелик қилишни, ҳажвий номерлар ижро этишни таклиф этди.

Ҳа, шундай қилиб, 1981

шиб келмоқда. Улар ижодига қандай муносабат билдирасиз?

— Уларнинг яхши номерларини кўрсам қувонаман, ҳавасим ҳам келади. Нотабиийроқ номерларини кўрсам, куйинаман. Яхшики, бунақалари кам. Қувончлиси шуки, ўзбекистонлик ханда усталари бир жойга бирикиб, ҳамкорликда ишлашяпти. Бу яхши муҳит кишини руҳлантиради. Бизда ҳам шундай муҳит бўлишини орзу қиламан.

Ҳожибой Тожибоевнинг падари бузруквори Шодимурод ака, волидаи муҳтарамаси Шаҳринисо опалар Ўзбекистондан меҳмон-



Кулгу дарғаси

тёр, қизиқчи Ҳожибой Тожибоевга айтгимиз келди.

Ҳожибойни кўча-кўйда учратиб қолган киши асло уни саҳнага чиққанда бутун зални кулдира оладиган қизиқчи деб ўйламайди. Феълидаги босиқлик, юзидаги ўйчанлик ифодаси бунга йўл бермайди. Бироқ саҳнага чиққанда уни таниб бўлмай қолади. Унинг нигоҳида ғойибдан келиб балқа бошлаган нур даврадаги барча дилларни ёритади. Залдаги ҳар бир киши шамс тафтидан очилган гулиқаҳқаҳга айланади.

— Сохта кулгуни ёмон кўраман, — дейди Ҳожибой. Дарҳақиқат, унинг ҳаракатларида зўрма-зўракиликни, бачканаликни учратмайсиз. Халқ ҳаётини, инсоний муносабатларни нозик кузатишлар эвазига туғилади, у уйғотган кулгулар. Бу Ҳожибойнинг ўзи туғилиб ўсган Пролетар ноҳиясининг Янгиқишлоқ қишлоғидаги оддий меҳнаткаш оиласида тарбияланганидан, ҳамқишлоқларини юрак-юракдан севиб, улар турмуш тарзини ўрганганидандир.

— Улғайгач, қизиқчи бўлишни орзу қилганмидингиз? — сўрайман Ҳожибойдан.

— Йўқ, — кулиб жавоб қилади у. — Юқори синфга ўтиб, илк бор касб ҳақида

кириб келди. Институтда Н. Тимофеева, С. Имомхўжаев каби устозлари сабоғи саҳна маҳорати сирларини ўрганишида, нутқини равон қилишида бетакрор ўрин тутди.

— Илк бор жиддий саҳнага чиққан кунимни унутолмайман, — дейди Ҳ. Тожибоев. — Кичик курс талабаларини одатда театрларимиздаги оммавий саҳналарга таклиф этишарди. Бизни бир гал Ҳамза театрига Софоклнинг «Шоҳ Эдип» спектаклида оммавий саҳнага чиқишимизни айтишди. Даврнинг колоритини беришимиз учун оёғимизга сандалиялар (боғичли шиппак) кийишимиз лозим эди. Шошилинчда мен шиппаксиз пайпоқда саҳнага чиқиб кетибман. Қуллар ролини бажараётганимиз сабабли эгилиб, пайпоқдалигимни сездирмаслик учун орқароқда турдим. Эдип ролини ўйнаётган Шукур Бурхон менга яқинлашаётганда пайпоқда эканлигимни кўриб қолишидан қўрққанимдан оёғимнинг томири тортилиб қолган эди. Спектаклни бузмасликка ўзимда аранг куч тополган эдим, ўшанда. Шундан буён саҳнага чиқиш олдидан жиддий тайёрланадиган бўлганман.

Ҳожибой Тожибоевнинг танилиши у санъат ўқув юрти даргоҳини тугатганидан сўнг дарҳол рўй бергани

йилда Ҳ. Тожибоев ўша пайтда Андижон Давлат филармонияси солисти бўлган Шерали Жўраев билан концертларда иштирок эта бошлади.

— Шерали аканинг менга қилган энг катта яхшилиги ўзимга бўлган ишончимни топиб берганлигидадир, — дейди Ҳожибой. Дарҳақиқат, буюк устозлар ҳамиша шогирдларга ана шу бахтни қучишда ёрдам бериб келганлар. Қолгани шогирднинг ўзига ҳавола.

Ҳожибойнинг ўзи алоҳида программалар қилишга илк бор 1985 йилда журъат этди. Ўшандан буён у томошабинлар эътиборида. Тожикистонда яшаб, меҳнат қилишига қарамай, жумҳуриятимиз пойтахтида, Наманган, Андижон, Фарғона, Қашқадарё, Сирдарё вилоятларида бир неча бор гастролларда бўлди. Қаерда бўлмасин, у бетакрор санъати билан ихлосмандлари қалбини завқ-шавққа тўлдирди.

— Дунёда кулгу улашишдан зиёда бахт йўқ. — Ҳаётда инсон кўнглига озор бериб, йиғлатишни хуш кўрадиганлар кўпайган бир пайтда унинг бу самимий иқрори менга донишмандона туюлади.

— Жумҳуриятимизда ханда усталарининг Обид ва Собит Асомовлар, Мирза Холметов каби янги авлоди ети-

лар келишганда ўзларида йўқ суюнишади. Ўғилларининг Ўзбекистонда ҳам таниқли эканлигидан ишониб-ишонмай ифтихор қилишади. Ёшлигида алоҳида «шўхлиги» сезилмаган ўғилларининг қизиқчи-актёр бўлиши тўғриси, улар учун ҳам бир қадар кутилмаган ҳодиса бўлди. Бугунги кунда Ҳожибой Тожибоев оила эгаси. Қизчаси Ҳилола тўққиз ёшга киради.

Икки қардош халқ хизматида бўлган камтарин, меҳнаткаш санъаткорга дунёдаги энг яхши тилакларни тилаймиз. Қуйида унинг репертуаридан бир ҳангомани эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Амирқул КАРИМ,
«Ёш ленинчи» мухбири.
Сурат муаллифи
Ж. Бобораҳматов.

Автобусда

АВТОБУСДА кетаётиб, аллакимнинг сизга тикилиб қараётганини сездингиз. Мастлигидан кўзлари сузилиб кетаётган барваста йигитнинг қомати автобус силкинганда лангарчўпи олиб қўйилган дорбоздек чайқалади. Аммо унинг елимдек нигоҳи сиздан узилмайди. Бир-икки ўғринча қараб қўясиз.

— Йўқ, нотаниш, — ўйлайсиз.

У сурилиб, рўпарангизга келади. Ғўлдирабгина ўкинч билан тилга киради.

— Танимадинг-а!.. — Сўз оҳангидан сиз танимаганингиз учун ўртаниб кетаётганини сезасиз, вазиятни юмшатишга уринасиз.

— Қаранг-а, хотира қурсин. Танимайроқ турибман. Ўзингизни таништиринг ака, ёдимга келмай турибди-я.

айта қолинг, — ялина бошлайсиз. У эса ҳамон нигоҳини сиздан узмаган. Ўкинч тўла кўзлари сузилиб, ўзича бу ҳолнинг аламлилигини чуқур ҳис қилибми, бош чайқаб қўяди.

Ўзингизни тиқанда ўтиргандек ҳис этасиз. Миянгиз архивига жавоб ахтариб кетган саволлар бари қуруқ қайтади. Буқадек тикилиб, яқин келиб қолганидан оғзидан ароқ ҳиди анқиб турган йигитнинг кутилмаган ҳаракат қилиб юбориши мумкинлигини эслаб, дилингизга хавотир киради.

— Танимадинг-а!

Ялиниш ҳам фойда бермаганидан сўнг, энди жим туриш лозим, деган хулосага келиб, автобус деразасидан ташқарини бепарво томоша қилаётган киши бўласиз. Аммо тобора қаттиқроқ тикилаётган нотаниш кимсанинг нигоҳи хавотирингизни ошириб, бирор кор-ҳол рўй бериб қолса, ўзингизни ўнглаш учун унга қиён қараш қиласиз. Йигитнинг юзида эса ҳамон ўша ифода.

— Ана шунақасан-да, танимайсан-да.

Дод деб юборгингиз келади.

шидан қўрқиб, палағда товуш билан қўшиқ айтишга киришасиз.

«Майда-майда мерақси,
Жонам ба чашмони ту...»

— Тўхта! қичқиради у. — Майдалашиб кетдик. Йирикроғидан айт.

Атрофга халоскор излаб, ночор тикиласиз, гўё у ҳам автобусда бошқа одамлар борлигини сезгандек товушини баландлатади.

— Ҳамманг қўшиқ айтасан! «Майда-майда»ни... Ким айтмаса.., — У белкуракнинг юзасидек келадиган кафтларини бир-бирига ишқаб, айтмаган кимсанинг пачоғини чиқаришини ифодалаган бўлади. Автобусдаги олдинги қаторда ўтирган қотмадан келган уйқудаги йигитдан ташқари барча ёшу-қари, кампир-у, қиз, йўловчию-ҳайдовчи қўшиқ айтишни бошлайди.

Майда-майда...

Олдинги ўриндиқдаги чолнинг овози алоҳида эшитилади:

Майда-майда, майда-майда,
Шопиржон тезроқ ҳайда...

Орқада бир кампир қўлини дуога очганини кўрасиз:

Майда-майда, майда-майда,

Унинг юзида ўкинч янада бўртиброқ кўринади, мушти тугилиб, аламдан бош чайқаганини кўрасиз. Ўртадаги жимлик сизга азоб бераётганида у яна оҳиста тўнғиллайди.

— Ана шунақасан-да. Танимайсан-да.

Хотирангиз панд берганидан хуноб бўлиб, балки эслаб қоларман деб, унинг юзига нигоҳ ташлайсиз. Юрагингиз орқага тортиб кетади. Чунки у ҳамон сизга қаттиқ тикилиб турибди. Ғазабдан юзлари, муштлари ҳам катталашиб кетгандек.

— Танимадинг-а, — бош чайқайди у.

— Йўқ, акажон, танимадим. Автобусга кирганингиздан буён танимай турибман. Одамни қийнамай, кимлигингизни айтсангиз-чи!

Жон ҳукмида жаҳл аралаш айтган гапингизни гўё эшитмагандек, у паст овозда ғўлдирайди.

— Ана шунақасан-да, танимайсан-да.

— Жон ака, одамни қийнаманг, ўзингизни таништиринг. Улар бўлсам, ўлиб бўлдим-ку! Кимлигингизни

— Танимадим! Юз карра танимадим. Ўзингизни таништирсангиз-чи, қон бўлиб кетдим-ку, кимсиз ўзи!

Унинг юзидаги ифода ўзгармайди.

— Танимадинг-а!

— Танимадинг-а! — оғир бош чайқаб қўяди у.

Асабларингиз қақшаб, ундан бирор жўяли сўз ундириб бўлмаслигига иқрор бўлиб, ҳар қанча мушкул бўлмасин, рўпарангиздаги «танишин»гизни унутишга қарор қиласиз. Кутилмаганда унинг сўз бойлигига янги калом қўшилади.

— Ёдингдами!..

Хурсанд бўлиб, уни қувватлаш учун бидиллай кетасиз.

— Ёдимдан кўтарилибди-я, ака қаранг, қачон учрашган эдик!

У эса бепарво ва вазмин жавоб беради:

— Ёдингдами, Ленинобод бозорида бундан олти йил аввал... Бозор эшигидан чиқаётганингда сигарета берган эдим... Танимадинг-а.., Шунақасан-да.

— Э, ака ўша сизмидингиз! Энди танидим-а. Илгарироқ эслатсангиз ҳам бўларди-ку, — беихтиёр унга ялтоқланасиз.

— Тўхта! Сен артистсан-а! Қўшиқ айтиб берасан. — Хаёлига ногоҳ келган бу фикр уни қанча қувонтирган бўлса, сизни шунча маъюслантиради. Маймун йиғлагулик бу ҳолдан чиқишга уринасиз.

— Йўқ ака, мен ҳеч қўшиқ айтмаганман, қўшиқ айтадиган артист эмасман.

— Айтасан... — кескинлашади у. — «Майда-майда»ни айтасан.

Афтингизга мушт тушириб қоли-

Ер ютсин сени, майда-майда...

Шофёр йигит ҳам саросимада, бир йўлга, бир йўловчиларга қараб қўшиқ айтади:

Майда-майда, майда-майда,
Секинроқ айтинглар, майда-майда.
ГАИга яқинлашиб қолдик, майда-майда...

Автобус қаттиқ силкинади. Олдинги ўриндиқларнинг бирида ўтирган қотма йигит уйғониб, пойма-пой қўшиқ айтаётганларга ва уни чайқалиб тинглаб бораётган йигитга ҳайрат билан тикилади. Вазиятни тушуниб етганиданми, бадмастнинг рўпарасига келиб, унинг ёқасини ушлайди. Бадмаст кўзини очар экан, у чаққон ҳаракат билан орқага тисарилади. Аллақандай ғайритабиий ҳаракатлар қилиб, кўз илғамас тезликда оёқларининг юзаси билан бадмастнинг афтига тарсаки тортади.

— Нима «майда-майда», нима «майда-майда». Ҳозир мошина босиб кетган қурвақадек қилиб қўйями!

Бадмаст ташаббус қўлидан кетганини, рўпарасида каратэчи турганини сезиб, жимиб қолди.

— Э, бор экансиз-ку, ука! Бир соатдан бери азобимизни берди бу ярамас, деб бадмастнинг юзига шапалоқ тортишга улгурасиз. Автобусдаги кампиру-чоллар каратэчини олқаб, дуога қўл очганларида унинг авзойи бирдан ўзгаради.

— Бас қилларинг, жим! У мушукдек ўрнида сакраб тушади. «Майда-майда» қўшиғи эскириб кетди. Эшитиб олларинг, ҳаммаларинг энди «Қиз бола»ни айтасанлар...

Ҳамма анграйиб қолди.

Ҳожибой ТОЖИБОЕВ.

Тренер нега норози?

Айтишларича, дарвозабонларнинг ҳам футбол ўйинларида ўзларига яраша алоҳида қарашлари бўлади. Ҳатто улар ўйин майдонларини тарк этиб, тренерлик юмушлари билан банд бўлганларида ҳам. Лекин бу ҳар кимга ҳам қўл келавермаслиги мумкин-да.

Мана, яқин-яқингача ишқибозларини ҳайратга солган афсонавий дарвозабон Дино Зоффни олайлик. Унинг машҳур «Ювентус»га яқиндан бери устозлик қилаётгани ҳаммамизга маълум.

Лекин гап ҳозир бу ҳақда эмас. Маълумки, «Ювентус»да мамлакатимиз футболчилари Заваров ва Алейниковлар ўйнашаяпти. Кейинги пайтда Зофф билан Заваров ўртасида қандайдир келишмовчиликлар бўлаётгани ҳақида гаплар юрибди. Очиғи, аввал бошда Зофф ўйинчимизга нисбатан яхшигина муносабатда эди. Аммо нима бўлди-ю, кейинги пайтда биргина Зоффнинг эмас, балки «Ювентус» тренерларининг ҳам Заваровни ўйинларидан кўнгли тўлмаётганликлари сезилиб қолди. Шунинг учун улар Александрнинг майдондаги ўрнини ҳам алмаштириб туришибди. Бу ўйинчимизга салбий таъсир кўрсатаяпти. Майдонда эркин ҳаракат қилишига тўсқинлик қилмоқда.

Бу биргина Заваровни эмас, балки СССР терма командасининг бош тренери Валерий Лабановскийни ҳам анча ташвишга солиб қўйди. Чунки Заваров терма командамизнинг энг яхши ўйинчиларидан бири саналади. «Ювентус»да юзага келган вазият терма командамиз ўйинларига ҳам салбий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Шул боис команда устозлари Италияда бўладиган чемпионат ўйинлари олдидан ўтказиладиган йиғинда «Ювентус» тренерлари билан учрашиб, бу масалада маслаҳатлашиб олиш ниятидалар.

* * *

7 март куни Европа футбол майдонларида УЕФА кубокларида қатнашаётган командаларнинг ўйинлари бошланади. Яқинда УЕФАнинг Берндаги штаб квартирасида ана шу мусобақаларда қатнашишдан маҳрум этилган ўйинчиларнинг рўйхати эълон қилинди. Улар орасида Чемпионлар Кубоги баҳсида иштирок этаётган Днепропетровскнинг «Днепр» клубидан Вадим Тишченко ва Алексей Чередник, Италиянинг «Милан» клубидан эса Мауро Тассоттилар бор.



Жумҳуриятимизда музика мактаблари қанча! Афсуски, саноқли. Биз бу кўрсаткичлар билан мақтанолмаймиз. Энди-энди мазкур соҳага эътибор кучаймоқда.

Тошкент вилоятининг Оржоникидзе ноҳиясидаги 26-музика мактабида олиб борилаётган ишлар қониқарли. Мактаб мутасаддилари музика сир-асрорларини имкони борича болаларга кенг тарғиб қилишга ҳаракат қилмоқдалар. Даргоҳнинг филиаллари ҳам бор. Улардан бири «Коммунист» жамоа хўжалигида жойлашган.

СУРАТДА: филиал ўқитувчиси Азиза Исроилова 2-синф ўқувчиси Саодат Аҳмадхўжаевага музика сирларини ўргатмоқда.

Ф. АБДУРАСУЛОВ суратга олган.

ШУКРОНА ҚЎШИҚЛАР

Аму соҳилларида Хоразм инқилобининг 70 йиллик юбилейи кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан К. Отаниёзов номли вилоят филармониясининг «Хоразм» ашула ва рақс ансамбли янги программа тайёрлади. Қўшкўпир ноҳиясидаги Олтибой Қурбонов номли жамоа хўжалиги меҳнаткашлари шўх, қувноқ қўшиқ ва рақслардан иборат концертнинг илк мухлислари бўлишди.

— Ижодий коллективимиз шунингдек ноҳиядаги бошқа хўжаликларда бўлади, пахтакору чорвадорларга, боғбону соҳибкорларга ўзимизнинг энг яхши куйларимизни ҳадя этамиз, — дейди ансамбль бадиий раҳбари, ёш, хушовоз хонанда Уктам Аҳмедов. — Янги программамиздан Омонбой Қурбонбоев, Рейимбой Ғоипов, Оллашукур Қурбонназаров, Муяссар Пирметова, Тожибой Жуматовларнинг ижролари ўрин олган. Уларни саҳналаштиришда эса ансамблимизнинг рақс қўювчиси II Бутуниттифоқ халқ ижодиёти фестивали нишондори Гулхоним Бобожонова, мусиқа раҳбари Рўзмат Раҳмоновларнинг ҳиссаси катта бўлди.

...Жайҳун, ҳа, ўша кун сайин тўлқинлари сусайиб бораётган Аму соҳилларида Хоразм инқилобининг машаққатли меҳнатини, элу-юртни мадҳ этувчи қўшиқлар авжига чиқмоқда.

(Ўз мухбиримиз).

МАКОНИМИЗ:
700083 ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58,
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
Газетамиз якшанба ва душанбадан ташқари ҳар куни чиқади
Тиражи 509195 нусха
ИНДЕКС 64607
ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИНИНГ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ БОСМАХОНАСИ
Д. — 28130.
Р. — 03106.

ТВ

14 ФЕВРАЛЬ — ЧОРШАНБА

● ЎзТВ I

11.30 Физика. Магнит индукцияси ва унинг техникадаги аҳамияти. 12.00 «Биргаликда шодон қадам ташлаймиз», «Каптар ови». Телефильмлар. 12.30 География. Шимолий Американинг табиати. 13.00 «Тўғри сўзнинг тўқмоғи». Бадиий фильм.

* * *

17.00 «Узун йўлдаги учрашувлар». Ҳужжатли телефильм. 17.30 Эстетика асослари. Санъат турлари. 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Шоирлар — болаларга. Абдусаид Кўчимов. 18.40 «Инсон ва хизмат кўрсатиш тармоқлари». Бўстонлиқ ноҳияси мисолида Озиқ-овқат программасини ҳал этишда ноҳия матлубот уюшмаларининг роли ҳақида. 19.10 «Халқ номзодлари». Телеочерк. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 ЎзССР халқ артисти Қизлархон Дўстмуҳамедова рақсга тушади. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Баҳс». Андижон вилояти Балиқчи ва Олтинкўл ноҳиялари қизларининг конкурс программаси. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Баҳс» (давоми). 23.10 «Голливуд барҳаётми?». Кинокўрсатув. 00.20 Кўрсатувлар программаси.

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Хор плюс биз». 9.50 «Сўз». Адабий-бадиий видеоканал. Б. Л. Пастернак туғилган кунининг 100 йиллигига. 11.50 «Юзма-юз». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 12.55 СССР Олий Совети сессиясининг очилиши. Кўрсатув тугагач — СССР Иттифоқи Давлат камер оркестри чалади. 15.30 «Уста ва Бригантина». Телевизион ҳужжатли фильм. 16.00 «Мусиқий хазина». 16.50 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 17.40 Шеърият лаҳзалари. 17.55 Останкино концерт студиясида «Ишбилармон кишилар учрашуви». 1-кўрсатув. 18.45 «Коллаж» (реклама, эълонлар, ахборот). 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 19.30 «Динозаврлар тоғи». Мультфильм. 19.40 «Мордасова қўшиқ айтганда». Фильм-концерт («Экран»). 20.25 «Юзма-юз». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 21.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 22.00 «Шарқий Сибирь». Киножурнал. 22.10 Хоккей. СССР чемпионати. МАСК — «Химик».

● МТ II

17.25 Ф. Шуберт. 5-симфония. Си-бемоль мажор. 18.00 Чанғи иккикураши. Жаҳон кубоги. Трамплиндан сакраш. Командалар пойгаси. Ленинске горидан кўрсатилади. 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 19.30 СССР давлат телерадиосининг Катта симфоник оркестри Японияда. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин кичкинтойлар! «Камалак ранг гул». Мультфильм. 20.45 А. С. Пушкин ёзиб олган халқ қўшиқлари. Фильм-концерт. 21.45 «Ҳамма фарзандларим хушрўй». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 22.00 «Юлдузлар туркуми». Ф. Искандар асарлари асосида телевизион бадиий фильм («Мосфильм»). Премьера.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.